

**Коррупцияга қарши ички
назорат тизимининг
тушунчаси ва
элементлари**


КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ НИМА?

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган барча мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги замонавий бошқарув усулларига мувофиқ, самарали фаолият юритишни таъминловчи энг муҳим профилактик воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш ҳисобланади.

“Комплаенс”, “комплаенс-назорат” (**compliance control**) тушунчалари – розиқлик, мувофиқлик ва аниқ белгиланган қоида, стандарт ҳамда кўрсатмаларга мувофиқ фаолият юритиш деган маъноларни англатади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ

Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва хусусий сектор фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупция хавф-хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган самарали тизимдир.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5177-сонли қарорининг 3-бандида **2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган.**

Коррупцияга қарши курашиш тизимининг элементлари



Коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатлар мавжудлиги

- “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”;
- “Одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисидаги низом”;
- “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом”;
- “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти”;
- “Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома”;
- “Контрагентларни текширишга оид йўриқнома”;
- “Алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти”;
- Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома”;
- Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти”;
- “Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти”;
- Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент”;
- Давлат харидларини ўтказиш бўйича низом”.

“Коррупцияга қарши курашиш сиёсати” ташкилотнинг коррупцияга нисбатан муносабатини билдирувчи асосий ҳужжат ҳисобланади


Сиёсат –

Ташкилот ходимларига пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали:

- ❖ - пора беришни талаб қилиш,
- ❖ - товламачилик қилиш,
- ❖ - ваъда бериш,
- ❖ - пора олиш ва бериш,
- ❖ - пора олишда ва беришда воситачилик қилиш,
- ❖ - расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш,
- ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланишни қатъиян тақиқлайди.



“Юқоридан қуйига муносабат” – юқори даражада раҳбарлик намунаси



Коррупция хавфини аниқлаш ва баҳолаш

Ҳисоб палатаси функцияларининг хусусияти, ташкилий тузилмаси, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро фаолият олиб боришига ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятига хос бўлган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлайди ва баҳолайди.

Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш мақсади:



Коррупцияга қарши кураш тизими билан боғлиқ камчиликларни аниқлаш ва келгусида коррупциявий ҳаракатларни содир этиш эҳтимолини камайтириш учун уларни ўз вақтида бартараф этиш

Коррупция хавф-хатар қандай баҳоланади?



Ишчи гуруҳни шакллантириш

- Комплаенс назорат тузилмаси
- Таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари
- Бошқа ҳодимлар



Баҳолашни ўтказиш

- Таркибий бўлинмалар раҳбарлари функциялар ва тартиб-таомилларнинг тавсифларини ишлаб чиқадилар,
- Комплаенс назорат тузилмаси киритилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текширади,
- Агар бирон-бир шарҳ бўлса, тавсифларни Таркибий бўлинмалар раҳбарларига қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади



Хавф харитасини ишлаб чиқиш

- Комплаенс назорат тузилмаси Таркибий бўлинмалар раҳбарлари билан тавсифларни таҳлил қилади, коррупция хавфи даражасини белгилайди, хавф-хатарлар харитаси, хатарларни минималлаштириш чоралари ва хавфи юқори бўлган лавозимлар рўйхати лойиҳасини тайёрлайди,
- Комплаенс назорат тузилмаси лойиҳаларни раҳбарга киритади,




Коррупция хавф-хатарларни баҳолаш

Коррупция хавф-хатарларни қачон баҳолаш керак?



Ҳар йили



Функция ёки процедурани амалга оширишга сезиларли таъсир кўрсатадиган ички ҳужжатлар ўзгартирилганда



Заруратга кўра, коррупция хавф-хатарларини дастлабки баҳолаш



Ташкилотнинг ташкилий тузилмаси, хавф-хатар юқори бўлган функциялари ўзгарганда ва янги функцияларнинг пайдо бўлиши




Фаолиятга доир қонунчилик талаблари ўзгарганда



Коррупция хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар юзага келган тақдирда

ISO 37001 Халқаро стандартининг 5.3.2 бандига мувофиқ Комплаенс назорат бўлими пора олиш ва бериш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизими муаммоларини ҳал қилиш зарурияти юзага келган ҳолларда юқори раҳбариятга тўғридан-тўғри ва тезда кириш имкониятига эга бўлиши керак:



Аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштирувчи коррупцияга қарши чоралар

ХАВФ-ХАТАРНИ ҚАНДАЙ МИНИМАЛЛАШТИРИШ МУМКИН?




Ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш



Ходимлар ва фуқароларнинг коррупцияга мурасасиз муносабатини шакллантириш бўйича ва коррупцияга қарши курашишда амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган ҳар ҳил ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тадбирларини ўтказиш;



Ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги гумонлар ёки фактлар, коррупциявий хавф-хатарлар ва бошқалар ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари билан таъминлаш;



Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходими томонидан коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ саволлар келиб чиққанда ходимларига маслаҳатлар бериш.

Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қўйидагилар бўйича доимий мониторинг олиб боради:

- фаолият ва функциялардаги ўзгаришлар ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларни ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсири;
- ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлиги;
- самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш ҳамда уларни тўғрилаш.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларнинг назорати орқали қўйидагилар аниқланиши лозим:

- ички ва (ёки) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида Ташкилот ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилиниши;
- Таркибий тузилмаларга юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши.

Ҳуқуқбузарликларга нисабатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш



Ходимлар уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай муурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида ўз раҳбарларига ёки Комплаенс назорат тузилмасига хабар беришлари шарт.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлар нормаларини ва (ёки) ташкилотларнинг ички ҳужжатларида белгиланган коррупцияга қарши талаб ва тартиб-таомилларни бузган ходимлар, уларнинг лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида жавобгарликка тортиладилар.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!